

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ НЕГА РЕНТАБЕЛЛИ БЎЛМАСИН?!

Шаҳар йўловчи транспорти корхоналарини ислоҳ этиш муаммолари ва истиқболлари Қонунчилик палатаси депутатлари эътибор марказига тушди.

Тармоқни ривожлантиришнинг ягона концепциясини ишлаб чиқиш, йўналишларда соссиз такрорийликка йўл қўймаслик мақсадида локал идоравий дастурларни келишиб олиш, йўловчиларни нолегал ташишга қарши курашиш, тармоқ рентабеллиги билан боғлиқ ҳолатни оғирлаштирувчи бошқа қатор масалалар парламент аъзолари ва транспортчилар муҳокама қилган бош мавзуга айланди.

Йўловчи ташиш соҳасидаги ислоҳот Президентнинг бир туркум қарорлари<sup>1</sup> қабул қилинган 2006 йилда энг авж палласига чиқди:

- самарасиз ишлаётган «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси тугатилди. Унинг ўрнига бозор принциплари асосида йўловчи ташиш бўйича «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тузилди;

- автобус саройлари акцияларининг давлатга қаршли қисми хусусий мулк этиб реализация қилина бошланди;

- йўловчиларни автомобиль транспортида ташиш ишини тижорат асосида амалга ошириш ҳуқуқи фақат юридик шахслар ихтиёрига бериладиган бўлди;

- лицензиясиз автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини амалга оширганлик учун катта жарималар белгиланди, бир йил ичида бундай ҳуқуқбузарлик такрорланган тақдирда эса автомобиль эгасидан олиб қўйилиб мусодара қилинадиган бўлди;

- йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилди: ҳар куни транспорт воситаси рейсга чиқишдан олдин техник кўрикдан, ҳайдовчиси эса тиббий кўрикдан ўтказиладиган бўлди;

- 2008-2010 йилларда Тошкент шаҳридаги автобус саройларининг ҳаракатдаги таркибини асосан дизель ёқилғиси ва газ билан ишлайдиган автобуслардан фойдаланишни назарда тутган ҳолда янгилаш режалаштириб қўйилди.

Тармоқда, шак-шубҳасиз, муайян ютуқлар қўлга киритилди. Аҳолининг транспорт хизматларига бўлган талаб-эҳтиёжи асосан қаноатлантирилди, кўчаларимизда юрган автобуслар, трамвайлар ва йўналишли таксиларнинг ташқи кўриниши ва техник ҳолатидан меҳмонлар олдида уяладиган пайтлар унут бўлди. Аммо булар йўловчи транспорти бугунги кунда гуллаб-яшнаётганлигидан далолат беради дейиш қийин. Тўғри, бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Парламент эҳтимол уларнинг бир қисмини бартараф этишга ёрдам берад.

3-бетда



24 сентябрда Тошкентдаги 2519-автожамлама худудида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси сайёр йиғилиш ўтказди. Депутатлар транспорт ташкилотларининг раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор идоралар, шунингдек мазкур соҳани назорат қилиш ваколати берилган орган – Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги барча турдаги йўловчи транспортини лицензиялаш ва улар ҳаракатини мувофиқлаштириш департаментининг вакиллари билан учрашди. Шаҳар йўловчи транспортдан фойдаланиш самарадорлиги йиғилишнинг асосий мавзусига айланди.

Транспортчиларнинг ҳисоботларига қараганда, Тошкентда ҳар куни 2 345 транспорт воситаси 1,5 млн йўловчига хизмат кўрсатилишини таъминламоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2009 йилнинг шу даврига нисбатан автомобиль транспортида йўловчи ташиш ҳажми 6,2 фоизга кўпайди. Худди шу даврда трамвай ўз «обрў-эътибори»ни 16,9 фоизга, метро 5,8 фоизга йўқотди, троллейбус саройидан фойдаланиш тўхтатилди.

Учрашув иштирокчилари мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш учун керакли ҳуқуқий асослар юзага келганига анча вақт бўлганлигини қайд этдилар. Бироқ қонун ҳужжатларида таҳрир талаб қилувчи айрим жиҳатлар мавжуд. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176<sup>3</sup>-моддаси ҳамда Президентнинг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-294-сон қарори 7-бандидаги йўловчилар ташиш бозоридаги хуфиёна фаолият учун жазо назарда тутилган нормаларни қўллашда амалиётда жиддий муаммолар келиб чиқмоқда.

Қонунчиликдаги янгилıklar

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгилıklar» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

### ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР НАЗОРАТИ КУЧАЯДИ

2010 йил 29 сентябрда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» УРҚ-263-сон Қонун қабул қилинди. Чунончи, республикада вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари (вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказ-

лари), таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари амалга оширади.

Белгиланишича, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ҳужжатда қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан яқка тартибдаги профилактика иши олиб борилиши назарда тутилган: назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар; ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар; ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар; таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар; маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир

4-бетда

УШЎ  
СОЎНДА

1, 3-бетлар

Жамоат транспортининг  
долзарб масалалари

\$1 = 1621,64 сўм

2-бет

Маслаҳатни  
юрист беради

€ 1 = 2194,69 сўм

4-бет

Солиқ органлари  
фаолиятига доир қонун

£1 = 2562,84 сўм

5-6-бетлар

Ишдан бўшатиш  
осон иш эмас

¥10 = 194,12 сўм

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ БУЗИЛГАНДА ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг АВ томонидан 2010 йил 14 сентябрда 1131-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи<sup>1</sup> билан Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш ва санкцияларни қўллаш тартиби тўғрисида Низомга (рўйхат рақами 1131, 2002 йил 23 апрель, бундан кейин – Низом) ўзгартишлар киритилди.

Низомнинг 36-бандидаги ўзгартишларга кўра қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига қўлланидиган иқтисодий санкциялар суммалари улар томонидан иқтисодий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги қарори олинган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қуйидаги тартибда тўланиши керак:

қўлланилган санкциялар суммасининг 92 фоизи (илгари – 90%) – давлат даромадига;

қўлланилган санкциялар суммасининг 8 фоизи (илгари – 10%) – Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг (бундан кейин – Марказ) ижтимоий ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига ёки унинг иқтисодий санкцияларни қўллаш тўғрисида қарор чиқарган ҳудудий бошқармасига. Худди шундай ўзгартишлар Низомга 2-илованинг ҳаволаи матнига киритилган.

Низомнинг 37, 43, 44-бандлари Марказнинг тасдиқланган тузилмасига мувофиқлаштирилган, унга ҳозирги пайтда бош директор, марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар киради (матндан «Марказнинг апелляцияларни кўриб чиқиш бўйича кенгаши» сўзлари чиқариб ташланган, «ҳудудий бўлимлар» ўрнига «ҳудудий бошқармалар» киритилган).

Шунингдек Низомнинг 40 ва 42-бандларига ўзгартишлар киритилган.

40-банд
<i>Аввалги таҳрир</i>
Хўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги <b>жорий активлари</b> суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ бўлган, қўлланган жазо чораларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида <b>ойма-ой бўлиб тўлаш</b> имкони берилган ҳолда амалга оширилади.
<i>Янги таҳрир</i>
Хўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги активлари <b>баланс қиймати</b> суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ бўлган, қўлланган жазо чораларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг миқдорда <b>ойма-ой бўлиб тўлаш</b> имкони берилган ҳолда амалга оширилади.
42-банд
<i>Аввалги таҳрир</i>
Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби: қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиси Марказнинг ҳудудий бошқармаси томонидан унга нисбатан кўрилган чораларга рози бўлмаган тақдирда, ушбу қарор юзасидан ўз норозилиги баён қилинган аризани Марказга юбориш орқали ёки суд йўли билан кўриб чиқиш учун шикоят билан мурожаат қилиши мумкин; Марказ томонидан унга нисбатан қўлланилган чоралар бўйича қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиси рози бўлмаган ҳолларда Марказнинг апелляцияларни кўриб чиқиш бўйича кенгашига ариза юбориши ёки суд йўли билан ҳал қилиши мумкин; Марказга, Марказнинг апелляцияларни кўриб чиқиш бўйича кенгашига ёки судга ариза топшириш санкция қўллаш тўғрисидаги қарорни бажаришни тўхтатиб қўймайди.
<i>Янги таҳрир</i>
Кўрилган чораларга рози бўлмаган тақдирда қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари қуйидаги тартибда шикоят қилишлари мумкин: Марказ ҳудудий бошқармасининг қарори устидан – Марказга, ўзининг норозилиги тўғрисида ариза юборган ҳолда ёки суд тартибда; Марказ қарори устидан – суд тартибда. Марказ ёки судга ариза топшириш санкцияларни қўллаш тўғрисидаги қарорнинг ижросини тўхтатмайди.

Мария ТУХТАРОВА, «Norma» МЧЖ юристи.

<sup>1</sup>«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 37-сон, 323-модда.

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	08.10.2010	1	0,8021	1	1,1191	1	0,0269
Арманистон	07.10.2010	1	360,72	1	503,67	1	12,15
Беларусь	08.10.2010	1	2991	1	4183,51	1	100,93
Грузия	08.10.2010	1	1,8099	1	2,5279	1	6,1076
Қозоғистон	08.10.2010	1	147,45	1	205,88	1	4,97
Қирғизистон	08.10.2010	1	46,6991	1	63,8025	1	1,5242
Латвия	08.10.2010	1	0,505	1	0,702804	1	0,0169
Литва	08.10.2010	1	2,4705	1	3,4528	10	8,3451
Молдова	08.10.2010	1	11,7674	1	16,4409	1	0,3956
Тожикистон	08.10.2010	1	4,3826	1	6,1535	10	1,5003
Ўзбекистон	05.10.2010	1	1621,64	1	2194,69	1	53,15
Украина	08.10.2010	100	790,99	100	1105,013	10	2,6693
Эстония	07.10.2010	1	11,2034	1	15,6466	1	0,377483

Манба: www.prime-tass.ru

### Реклама



ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

## ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz


## ЭҲТИЁТ ШАРТ УЧУН НУСХА



Қуйидаги масала бўйича тушунтириш берсангиз. Ташкилотимиз ҳар ойда масъулияти чекланган жамиятдан пул ўтказиш йўли билан интернет-карталар харид қилади. Интернет-карталарни олишда мен ишончнома ва паспорт тақдим этдим. МЧЖ ходими менинг паспортимни олиб, ўзи унинг нусхасини олди ва уни ишончномага қўшиб қўйди. Сўнгра у мендан ҳар ойда интернет-карталар олаётганда паспорт нусхасини олиб, уни ишончнома билан бирга МЧЖга келтиришини талаб қилди. Яъни мен ҳар ойда интернет-карталар олсам, уларга бир йилда паспортимдан 12 нусха келтиришим керак. Акс ҳолда улар менга интернет-карталар беришдан бош тортишади.

МЧЖ ходимларининг талаблари қонунийми?

Хурмат билан,  
бош бухгалтер.



– Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида Низом\* 10-бандининг «в» кичик бандига кўра, паспорт тақдим этилмаган тақдирда ишончномада кўрсатилган товар-моддий бойликлар корхона томонидан ишончнома бўйича берилмайди. Амалдаги қонун ҳужжатларида ишончнома бўйича ишончли вакил – товар-моддий бойликларни олувчининг паспортидан нусха кўчиришга тақиқ белгиланмаган. Бу ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ, унга кўра товарни берувчи МЧЖда текширув ўтказилган тақдирда масъул шахс товар олувчининг шахси ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилган-қилмаганлигини тасдиқлаши лозим бўлади, бунинг учун эса олувчининг паспорти нусхасини олган афзал. Бунда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда паспорт нусхасини олиб келишингиз мажбурияти белгиланмаган. Товарни берувчи МЧЖ ходими зарурат бўлганда ўзи паспортингиздан нусха кўчириши мумкин.

Низоли вазиятларга йўл қўймаслик учун сиз интернет-карталарни реализация қилиш шартномасига қуйидаги бандларни қўшишингиз мумкин:

1. Интернет-карталарни мазкур Шартнома бўйича МЧЖдан ишончнома бўйича қуйидаги шахс олиши мумкин \_\_\_\_\_, паспорт серияси \_\_\_\_\_ да берилган, қуйидаги манзилда яшайди \_\_\_\_\_ (паспорт нусхаси илова қилинади),

ёки бошқа варианти:

Интернет-карталар мазкур Шартнома бўйича харид қилувчининг вакилига лозим даражада расмийлаштирилган ишончнома ва паспортнинг асл нусхасини тақдим этиш асосида берилади, бунда унинг нусхасини қўшимча равишда сўрашга йўл қўйилмайди.

2. Мазкур Шартноманинг 1-бандида кўрсатилган шахс ўзгарган тақдирда, шунингдек унинг паспорти алмашганда, Интернет-карталар харидори дарҳол 2 иш куни мобайнида бундан МЧЖни хабардор қилиб, унга ишончнома бўйича олувчининг тегишли паспорти нусхасини тақдим этиши шарт.

Артём Отставнов,  
«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

\*Молия вазирининг АВ томонидан 2003 йил 27 майда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

УШБУ СОНДА:

#### ✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШ-МОҚДА\*

– Жамоат транспорти нега рентабелли бўлмасин?!

– Янги ҳужжатларни тақдим

этамиз

1, 3-бетлар

#### ✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда ишларни кўриб чиқиш тартибидаги ўзгартишлар

– Эҳтиёт шарт учун нусха

– Валюталар курси 2-бет

#### ✓ ЮРИСТ ШАРҲИ

– Солиқ органларини янада модернизация қилишнинг муҳим ҳуқуқий асоси 4-бет

#### ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Меҳнат низолари: уларга йўл қўймаслик ва олдини олиш

– Тўлашлари шарт

5-6-бетлар

✓ top

7-8-бетлар

1-бетда

– Моҳиятан олганда йўловчилар ташувчи транспорт рентабелли бўлиши мумкинми?

– Албатта, мумкин. Гап унинг ишини қандай ташкил этишда!

Транспортчиларнинг айтишича, агар имтиёзли йўл карточкалари бекор қилинса, транспортнинг рентабеллик даражаси йўлқира тарифи камроқ бўлган тақдирда ҳам тез кўтарилади (давлат илгари транспортчиларга «ижтимоий омил» учун компенсация тўларди, энди бундай қилмаяпти).

Яқин хориж мамлакатларининг баъзиларида шундай қилишди ҳам. Аввалига кўпчилик бундан норози бўлди, кейин эса кўникишди. Пенсияларга йўлқира борасидаги имтиёзлар ўрнига давлат пенсияларига муайян миқдорда пул қўшиб берди, бинобарин улар бундан зарар кўрмадилар. Эвазига транспорт тармоғидаги ижтимоий юк енгиллашди ва тармоқ ривожланиш сари юз тутди. Бизнинг шароитда шундай тадбирни қўллаш мақсадга мувофиқми-йўқми, бир нарса дея олмайман. Ҳаммасини пухта ҳисоблаб кўриш керак. Бундан ташқари, жамоат транспорти фойда келтириб ишлашига салбий таъсир қиладиган бошқа омиллар ҳам бор. Шахсий машинасида йўловчи ташиётган киракашларни олинг.

Уларнинг солиқ тўламаганлиги етмаганидек, йўловчилар хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳам ҳеч қанақа талабларга жавоб бермайди (ҳайдовчининг малакаси, техник кўрик, тиббий кўрик, суғурта ва ҳоказолар назарда тутилмоқда), амалда зиммаларида ҳеч қандай масъулият ва жавобгарлик ҳам йўқ. Бундай киракашлар тармоққа жиддий зарар келтирмоқда, йўловчилар оқимини бошқа ўзанга буриб юбормоқда.

– Зиммаларида ҳеч қандай жавобгарлик йўқ деган гапни қандай тушуниш лозим? Давлатга қарашли бирйўла учта тузилмада бу соҳани назорат қилишга муайян ваколатлар бор. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги барча турдаги йўловчи транспортни лицензиялаш ва улар ҳаракатини мувофиқлаштириш департаменти, солиқ органлари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати шулар жумласидандир. Шундай экан, муаммо нимада ўзи?

– Бизда яхши қонунлар қабул қилинган, қатъий маъмурий жазолар, хусусан, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан 150 бараварига қадар миқдорда жарима, қолаверса ҳуқуқбузарлик воситаси сифатида автомобилни мусодара этиш жазолари назарда тутилган. Бироқ амалда булар ишламаяпти.

Бизда санкциялар фақат суд тартибда қўлланилади, бинобарин муайян қоидабузарни аниқлашнинг ўзи кифоя эмас, қоидабузарлик ҳолатини исботлаб бериш ҳам керак. Амалдаги тартиб бўйича иш олиб бориладиган бўлса, фуқаронинг айби далилларини судга тақдим этиш жуда мушкул.

Бугунги кунда баённома тузиш учун иккита ҳолис керак, шунингдек йўловчи ва ҳайдовчидан тушунтириш хати олиш лозим. Йўловчи пул эвазига хизмат кўрсатилиши хусусида ҳайдовчи билан шартлашилганлигини ўз ихтиёри билан ёзма тарзда тасдиқламоғи керак. Шундан кейин у чақирув қоғози билан судга бориши ва ўз кўрсатмаларини судда ҳам тасдиқламоғи лозим. Одамларда одатда бундай вазиятларда фуқаролик жавобгарлиги туйғуси етишмайди. Бундай ишни даҳмазага йўйиб, даъволашиб юришдан бош тартиб қўя қоладилар.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ку. Шахсан менда ҳам бундай жавобгарлик туйғуси, чидам етишмаса керак. Сиз хизматга ёки бошқа бир муҳим ишга шошиляпсиз ва йўловчи машинани тўхтатдингиз дейлик... Йўлда кўққисдан машинани тўхтатиб, юқорида айтилган тарзда ёзма тушунтириш хати ёзиш ва шу сингари оворагарчиликлар бошлангудек бўлса, сиз ҳар бир дақиқани ганимат билганингиз учун ошиқасиз, асабларингиз таранг ҳолга келади, шартлашилган жойга кечикканлигингиз устига кейин ҳам ҳаловатингиз йўқолади – судма-суд юриш керак. Яна вақтингиз, асабларингиз, пулингиз кетади.

Биринчидан, ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш жараёнини соддалаштириш зарур. Иккинчидан, истаган вақтингизда ҳозир нозир бўладиган киракашларга муносиб муқобил йўл таъминланмоғи лозим.

Расмий тарзда ишлайдиган такси хусусий киракашларга ўхшаб исталган вақтда хизматингизда ҳозир турса, нархи ҳам арзон бўлса, йўл ёқасида аниқ кўринадиган тафовут белгилари бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ихтиёрида йўл ёқасида турганида машинанинг ёқасида лицензия бор-йўқлигини аниқлайдиган қандайдир техник ускуна бўлса, муаммоларга ўрин қолмасди...

Дарвоқе, бизда расмий тарзда ишлаётган таксилар етарлими?

– Ўз вақтида Тошкентда бешта таксомотор саройи мавжуд эди. Улардаги жами машиналар сони 3,5 мингга борарди, ҳар бирига смена билан ишлайдиган иккита ҳайдовчи бириктирилганди. Бундай такси ҳамиша рентабелли бўлиб келган. Автобуслар келтираётган зарарлар таксиларнинг рентабеллиги ҳисобидан қопланарди. Энди бўлса таксини жамоат транспорти сифатида тиклаш учун анча-мунча тер тўкишга тўғри келади.

– Хизматлар бозорининг шу жабҳаси хусусий компаниялар томонидан тўлиқ эгаллаб олинган эмасми?

– Бугунги кунда пойтахтимизда жами юзга яқин хусусий тижорат тузилмалари рўйхатга олинган бўлиб, улар аҳолига ва ташкилотларга такси хизмати кўрсатиб келмоқда. Аммо ихтиёрларидаги автомобиллар сони кўп эмас, тахминан 1,5 мингга боради (Тошкент шаҳри аҳолиси эса келиб-кетувчиларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам 2,5 млн киши. Ҳар бир компанияда 4 тадан 30 тагача транспорт воситаси бўлиши дарёдан томчи демак. Айни вақтда оддий чамалама ҳисоб бўйича қарийб 20 минг энгил автомобиль эгалари киракашлик қилмоқда. Иқтисодиёт секторидан

Бунинг сабаблари ҳар хил. Айтайлик, бизда транспорт тармоғини ривожлантириш мувозанатли тарзда олиб борилмаяпти. Натижада метро йўли ўтган йўналишлар бўйлаб автобуслар ва бошқа транспорт воситалари ҳам қатнамоқда. Менга қолса буни бўш ердаги рақобат деб ҳисоблардим. Вазиятдан чиқиш йўли битта – ривожланиш дастурларини ўзаро келишиб олиш ва тарафларнинг манфаатлари уйғунлигига эришиш керак. Ҳозирча эса бундай ноаҳилликдан ҳамма зиён кўрмоқда.

– Қолаверса идораларнинг ички тармоқ манфаатларинигина эмас, балки хусусий сектор манфаатлари (меҳнат бозори, инвестициялар), йўловчилар манфаатлари (транспортнинг муқобил турлари, йўналишлар сони ва транспорт бирликлари етарли бўлиши), тарифлар арзон бўлиши), давлат манфаатлари (бюджетнинг даромад қисми) ва бошқа бир туркум жиҳатлар, айтайлик, экология ҳам инobatта олиниши лозим бўлган соҳанинг ягона ривожланиш концепцияси керак...

– Ҳар қандай дастур учун маблағ зарур. Бугунги кунда Тошкентда транспорт етарлими-йўқми, билиш учун мах-

## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ НЕГА РЕНТАБЕЛЛИ БЎЛМАСИН?!



Худойберди АБЗАМОВ,  
Саноат, қурилиш ва савдо  
масалалари кўмитаси аъзоси  
(Ўзбекистон Экология ҳаракати  
депутатлари гуруҳи)

кўзга яққол ташланувчи салоҳият бўлса, шунчалик бўлади!

Киракашлар нархни оширмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирги кунда энг арзон такси – Тошкентда! Ўзим самарқандликман, бундай хизмат у ерда анча қиммат туришини яхши биламан.

– Нарх арзон бўлиши умуман олганда ўз-ўзича муаммо туғдирмайди. Бу умуман олганда аҳолининг талаб-эҳтиёжини қаноатлантирмоқда. Арзон, ҳамиша ҳозир нозир... Ихтиёримиздаги вақт кун сайин қадр топиб бормоқда. Бекатларда тоқат билан кутиб ёки трам-

вайларда сайр мисол юриб кўзланган манзилга етиб олиш ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Чўнтакка зўр келса ҳам иш вақтида битгани маъқул.

– Йўловчида ҳар хил турдаги транспортни танлаш имконияти бўлиши керак.

Бу борадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш зарур деган фикрга қўшиламан. Солиқчиларда ҳам транспорт ишини назорат қилувчи бўлинма бўлиши лозим. Бозорлар иши билан шуғулланадиган бўлинма очишди-ку, ахир!.. Транспорт бозордан кам эътибор талаб қилмайди дейиш мумкин.

Савдо ва транспорт ҳозирги кунда кўпчилик учун пул топишнинг энг қулай йўли бўлиб қолди. Савдо-сотиқ соҳаси бирмунча оғирроқ, транспорт соҳаси эса енгилроқдир. Автомобилинг бўлса бас. Шундоққина ўтирасану, пул ишлайверасан. Одамлар оиласи таъминотини ўйлаб, болачақасини боқиш учун шу иш билан шуғулланаётганликларини тушунаман. Биз ҳам буни тақиқламоқчи эмасмиз. Гап ҳаммаси қонун асосида бўлишида. Машина олгач, муайян ташкилотга кириб, белгиланган тартиб-таомилдан ўтди, хоҳлаганинча ишлайвер, марҳамат!

– Йўловчиларни расман ташиш билан шуғулланувчиларда транспорт воситалари етишмаслиги муаммоси қай тартибда ҳал этилмоқда?

– Ўтган йили «Тошшаҳартрансхизмат» автосаноат уюшмаси билан такси учун махсус жиҳозланган «Нексия» ва «Ласетти» машиналари туркуми ишлаб чиқарилиши ҳақида келишиб олди. Булар қаймоқранг автомобиллар бўлиб, салони тежамкор ва шинам қилиб чиқарилган, унга ҳисоблагичлар ўрнатилган, устида шашка тахтасини эслатувчи плафонлари бор. Ҳозирги кунда йўловчи ташувчилар бу машиналарни лизингга ёки кредитга олишлари, қурбилари етса, нақд пулга сотиб олишлари мумкин. Билишимча, ҳозирнинг ўзида 150 та машинага буюртма расмийлаштирилди.

– Такси борасидаги аҳволни-ку тушунас бўлади. Аммо нима сабабдан метрополитенда йўловчи ташиш кўрсаткичи пасайиб бормоқда?

– Метрополитен ҳам зарар келтириб ишлаётганлар қаторида: дотацияга тушиб қолган. Унинг салоҳияти кунига 1 миллион йўловчи ташиш имкониятини беради. Метрополитен ишга тушганидан буён унинг кунига реал тарзда ташийётган йўловчилари сони 500 мингдан ошмаяпти. Ҳозирги кунда Тошкент метроси кунига ўрта ҳисобда 175 минг йўловчини манзилига етказмоқда. Бошқача қилиб айтганда, салоҳиятининг бешдан бир қисми ишга солинмоқда, холос.

сус текширув ўтказиш даркор. Ҳар беш йилда йўловчилар оқимини режали асосда текшириш лозим деган қоида бор. Бизда бундай текширув охириги марта 2000 йили ўтказилган эди. Демак, яна ўтказиладиган фурсат аллақачон келган, лекин бунга маблағ керак, маблағ эса ҳозирча йўқ.

Тахминан 15 минг кишини ишга солиб, 3 кун ичида қайси станцияда қанча одам қанақа вақтда транспорт воситасига чиқиши ва қанчаси тушиши ҳақида ахборот тўплаш мумкинлиги ҳисоблаб кўрилди. Барча йўналишлар бўйича шундай қилиш керак. Одатда бундай иш одамлар учун таътил мавсуми тугаб, ишлайдиганлар ишга, ўқийдиганлар ўқишга борадиган пайт – ё эрта баҳорда, ё кеч кузда ўтказилади. Сўнгра бу маълумотлар 5–6 ой мобайнида ишловдан, таҳлилдан ўтказилади.

Шу йўл билан шаҳарнинг қайси қисмида транспорт бирликлари керагидан ортиқча, қайси қисмида етишмаётганлиги ҳақида, қаерга катта сифимли машина, қаерга камроқ одам сиғадиган машина кераклиги ҳақида ахборотга эга бўламиз. Буларнинг ҳаммасига кам деганда 500 млн сўм керак.

– Бу ишни ҳайдовчиларнинг ёрдамчиси – назоратчилар эплай олмасмикин? Ёки ҳеч бўлмаганда транспорт воситасига чиқаётган ва ундан тушаётган йўловчиларни ҳисоблаш учун техник воситалари ўрнатиш ҳам мумкин-ку?..

– Ҳайдовчи бу ишни қилмайди, назоратчининг вазифаси эса бутунлай бошқа. Сиз айтган техник воситага келганда, яқинда автобусларга тажриба тариқасида худди шу мақсадда ҳисоблагич турникетлар қўйилди. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бу чиқим талаб этадиган иш.

Ҳозир, билишимча, транспортчилар ҳомий излашмоқда. Грант топилгудек бўлса, албатта текширув ўтказилади.

Экология борасида эса ҳозирнинг ўзида бирмунча ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Илгари машиналар газда, бензинда, дизель ёқилғисидан ишларди, натижада «емиши» ҳар хил бундай машиналарга хизмат кўрсатиш ҳам оғир эди. Эндиликда уларнинг ҳаммаси дизель ёқилғиси билан ишламоқда. Буни ижобий жиҳат деса бўлади.

– Дизель ёқилғиси билан ишлашни ижобий жиҳат деяпсизми? Бундай ёқилғидан фойдаланаётган машинадан бадбўй тугун чиқишини кўрмаганмисиз?! Менга қолса дизель ёқилғисини қувонч эмас, катта муаммо келтирадиган нарса деган бўлардим.

– Дизель ёқилғисидан фойдаланиш технологиясига риоя этиш транспорт воситасининг атроф муҳитга салбий таъсирини кескин камайтиради. Бундан ташқари, тармоқ аста-секин экологик талабларга жавоб берувчи двигателларга ва энергия таъминотига ўтмоқда. Бунинг учун вақт, юқорида айтганимиздек, маблағ керак. Масалан, ҳозир газ-дизель ёқилғиси аралашмасидан фойдаланилмоқда – унинг 70 фоизи метан, 30 фоизи дизель ёқилғисидир.

Умуман олганда, Ўзбекистон экология ҳаракатига мансуб депутатлар гуруҳи вакили сифатида мен Евро-3 ва Евро-4 стандартидаги двигателларга босқичма-босқич ўтиш тарафдориман. Бизда ҳар тарафлама пухта ўйланган ва ҳисоблаб кўрилган жўяли дастур бўлса, пул албатта топилди.

– Сўнги савол: Тошкент троллейбуслари қаёққа гойиб бўлди?

– Улардан фойдаланиш тўхтатилди. Негаки, троллейбуслар кейинги йилларда ўзини оқламаётган эди... Энергия истеъмоли кўп, самара эса ҳамин қадар. Афсус, трамвай ва метрополитен билан бир қаторда экологик жиҳатдан энг мақбул транспортлардан бири бўлган троллейбус хизматидан баҳрамандлик кечмишга айланиб қолди.

Юлия ЯШИНА,  
«Норма маслаҳатчи» махсус муҳбири.

# СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИ ЯНАДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Бугун мамлакатимизда бозор тамойилларига жавоб берадиган солиқ тизими шаклланди. Соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар Ўзбекистонда иқтисодий тартиқдорликни барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Айни вақтда солиқ органларининг функциялари, ваколатлари ва тузилмасини замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этаётир.

Мамлакатимизда тўпланган ва чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш, бу органларнинг функция ва ваколатларини кенгайтириш мақсадида «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2010 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-256-сон) қабул қилинди.

Мазкур Қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг 2 та кодекси ва 3 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифаларини замон талабларига мос ҳолда белгилашни, республика Давлат солиқ қўмитаси тизимида янги ташкил этилган Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ҳуқуқий мақомига оид янги нормалар ва қоидаларни назарда тутилади.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасида суриштирув органларининг мақоми белгиланган бўлиб, эндиликда улар қаторига мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари киритилди, уларнинг бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича суриштирув ишларини олиб боришлари мумкинлиги белгиланди. Ушбу қоида мамлакатимизда бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойларида молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва барҳам беришда, бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида сифатсиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашишда, солиқ билан боғлиқ ҳуқуқ бузилиш-

лари натижасида давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириш чора-тадбирларини кўришда муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг 2-моддаси орқали Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни 4, 5 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилди. Қонуннинг 4-моддаси («Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари») Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1257-сон Қарориди белгиланган асосий вазифалар билан мувофиқлаштирилди.


Бундан ташқари, Қонуннинг 5-моддаси («Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари») киритилган қўшимчалар моҳиятига кўра, янги ташкил этилган Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

а) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирани назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш;

б) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги фактлари юзасидан терговга қадар текширувлар ўтказиш, улар бўйича жиноят ишлари кўзга тутиш ҳамда суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш ҳуқуқларига эга эканликлари белгиланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан назорат қилиш бўлимларининг мансабдор шахслари Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғи билан тайинлаши назарда тутилди.

Мазкур Қонуннинг 2-моддаси орқали



«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларининг бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирани назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ҳуқуқининг белгиланиши, ўз навбатида, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалик юривчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 88-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмунига кўра, юқорида таъкидлаб ўтилган қисқа муддатли текширишлар фақат давлат солиқ хизмати органларининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимлари томонидан мазкур бўлимлар бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиши, кейинчалик бу ҳақда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органни ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмасини ўтказилган қисқа муддатли текширув тўғрисида ушбу текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида

хабардор қилиши лозимлигини назарда тутди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни орқали «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисми 8-бандига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда; солиқ тўловчи – юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, мазкур тартиб, ўз навбатида, бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу боис «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 40-моддасининг тўртинчи хатбошиси «банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно» таҳририда баён этилди.

Хулоса қилиб айтганда, янги қабул қилинган Қонуннинг ижтимоий ҳаётга таътиқ этилиши, биринчидан, мамлакатимизда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, иккинчидан, деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг молия-ҳўжалик фаолиятини, улар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини назорат қилиш, уларда солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатларига йўл қўймаслик, учинчидан, назорат қилувчи органларнинг ҳўжалик юривчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишларининг мувофиқлаштирилиши таъминлаш учун зарур ҳуқуқий шароитларни яратиш имконини беради.

**Нуриддин НАРМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Амалдаги  
қонун ҳужжатлари мониторинги  
институтининг гуруҳ раҳбари,  
юридик фанлари доктори.

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетада  
этанлар ва бошқалар. Профилактика иши ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда, вояга етмаганларнинг назоратсизлигига ва ҳаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар бар-тараф қилинганга ёки вояга етмаганлар ўн саккиз ёшга тўлганга ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар юзага келгунга қадар олиб борилади.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 30 сентябрда эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

### ЗАНГИОТАЛИКЛАР КўПАЙМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг (2010 йил 12 августдаги 137-II-сон) ва Сенатининг (2010 йил 29 августдаги 96-II-сон) «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза



тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги қарорини ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 сентябрдаги 213-сон қарори билан Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманлари бирлаштириладиган бўлди. Зангиота тумани ҳудудининг бир қисми Тошкент вилоятининг Қибрай туманига ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманига берилмоқда. Туманларни бирлаштириш ҳамда ҳудудларни қисман ўзгартириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича республика комиссияси ташкил этилди.

Бошқарув ходимларининг сони 18 нафардан иборат Зангиота тумани ҳокимлиги аппарати тузилмаси тасдиқланди. Бирлаштирилаётган туманларда ички ишлар органлари ходимларининг мавжуд сони сақлаб қолинди. Шунингдек, бирлаштирилаётган туманларда фаолият кўрсатаётган ФХД органлари ва давлат нотариал идоралари сони ҳам сақлаб қолинади.

Республика комиссияси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тугатилиши ва улар сонининг қисқариши натижасида бўшаб қолаётган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўради, зарурият бўлганда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирларини амалга оширади.

**Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 25 сентябрдан 1 октябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 39-сон асосида тайёрланди.**

Кейинги вақтларда иш берувчилар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этиш масаласига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Таассуфки, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш ҳоллари ҳозирги вақтда кўп учраб туради. Аҳвол иш берувчилар устидан судга мурожаат этишга бориб етаётганлиги ҳолларига кўпроқ иш берувчиларнинг ўзи айбдор эканлигини қайд этмоқ лозим. Суд инстанцияларига етиб бораётган, энг кенг тарқалган хатоликлар рўйхатида хусусан қуйидагиларни кўриш мумкин.

**Биринчидан**, ходимни у йўқлигида ишдан бўшатиб бўлмайди. Айтайлик, у бир неча ҳафтадан буён ишда кўринмайди, компанияда у ҳақда бирон-та маълумот ҳам йўқ. Бундай кезларда ишдан бўшатиб юборишнинг ёмон жиҳати шундаки, у кутилмаганда ишда бўлмаганлигини асословчи ҳужжат билан иш жойида ҳозир бўлиши мумкин, шунда иш берувчи уни вазифасига тиклашига ва пул компенсацияси тўлашига тўғри келади.

**Иккинчидан**, ходимни меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатар экан, иш берувчи қоидабузарлик ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар борлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Ходимнинг бевосита раҳбари киритган хизмат ёзув-қайдномаси, унинг бўйсунувдаги шахсининг қайд-маълумотномаси, қоидабузарлик ҳақида гувоҳлар томонидан тузилган далолатнома, шунингдек ходимнинг ўзидан олинган тушунтириш хати шундай ҳужжатлар вазифасини ўтайди. Бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса ходим судда бу ишларнинг ҳеч бири бўлмаган деб ўзиникини маъқул қилиши ва ишни ўз фойдасига ўзгартириши ҳам ҳеч гап эмас.

**Учинчидан**, синов муддати даврида ходимни ишдан бўшатиш учун у чиндан ҳам ўз меҳнат вазифаларини уддалай олмаганлиги хусусида иш берувчида далил бўлиши лозим.

**Тўртинчидан**, ходимни мажбурлов тартибида бошқа доимий ишга ўтказиб бўлмайди.

**Бешинчидан**, ходимни унга берилиши лозим бўлган меҳнат таътилидан маҳрум қилиб бўлмайди.

Бу рўйхатни яна давом эттиравериш мумкин, зотан Меҳнат кодекси ходимга кўплаб ҳуқуқ ва кафолатлар беради.

Энди меҳнат низолини келиб чиқишига сабаб бўлувчи, иш берувчилар ўртасида энг кенг тарқалган хатоларни, шунингдек уларни



тарофларнинг энг кам талафоти билан ҳал этиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Меҳнат шартномаси имзоланган пайтдан эътиборан ёки ишга ҳақиқатда қўйилганлик асосида меҳнат муносабатлари юзага келади (*Меҳнат кодекси 82-моддасининг 6-қисми*). Шу сабабли меҳнат шартномаси тузилгунга қадар бир қанча ишларни амалга ошириш керак: булар иш берувчига кейинчалик меҳнат низолидан холи бўлишга ёрдам беради. Энг аввало суҳбат ўтказиш ва шу аснода бўлажак ходимнинг мўлжалланаётган касбга яроқлилигини текшириш ҳамда илгариги ишидан нима сабабдан бўшаганлигини билиб олиш, унинг ҳамкасблар билан муносабатини суриштириб кўриш мумкин. Суҳбатлашувда у ишга яроқли кўринди ва унинг номзоди тасдиқланди дейлик.

Энди шахсининг ҳужжатларини синчиклаб кўриб чиқиш жоиз. Меҳнат кодекси 80-моддасининг биринчи қисмига кўра ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ун олти ёшгача бўлган шахслар эса, – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;

меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба

# МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ: УЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани; ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломини ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Иш берувчи шахсий ҳужжатларни ўрнаётгани бўлажак ходим ҳақида қўшимча ахборотга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу борада меҳнат дафтарчасига тенг келадигани йўқ. Агар иш стажи узлиб қолган, илгариги ишдан бўшаши билан янги ишга кириши ораллигида узоқ танаффуслар бўлса, меҳнат дафтарчаси ёзувлар билан тўлиб кетган бўлса, бундай ходим иш берувчига қатор муаммолар келтириб чиқариши мумкин деб хулоса чиқарса бўлади.

Ишга кираётган шахс ҳамма ҳужжатларни тақдим этган-эتماганлиги масаласи ҳам бор. Бош директор таътилда, кадрлар бўлими бошлиғи бетоб ва бошқа шунга ўхшаш сабабни рўқач қилиб меҳнат дафтарчасини эртага олиб келаман қабилидаги гаплар ҳам бўлиб туради. Ҳолбуки, меҳнат муносабатлари юзага келган пайтдан эътиборан 5 иш куни мобайнида меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилмоғи керак (*Меҳнат кодекси 81-моддасининг иккинчи қисми*). Бундай ходим билан меҳнат шартномасини расмийлаштириш, уни ишга қўйиш тўғри бўлармикан, балки унинг хизматларидан воз кечиб қўя қолиш, ё бўлмаса ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгунга қадар кутиш керакми деган са-

воллар ҳам баъзан кўндаланг бўлади.

Ишга кирмоқчи бўлаётган шахсни ташкилотнинг ички ҳужжатлари, хусусан унинг бевосита меҳнат фаолияти ва ижтимоий таъминотига боғлиқ ҳужжатлар билан таништириш лозим бўлган пайт ҳам муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Ходим ушбу ташкилотга ишга кирган тақдирда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши учун ҳам бу нарса керак. Бунда бир неча вариант бор. Масалан, меҳнат шартномаси тузилгунга қадар уни бундай ҳужжатлар билан таништириб, меҳнат шартномасида ана шу танишув ҳолатини қуйидаги тарзда қайд этиш мумкин: «*Меҳнат шартномаси имзолангунга қадар ходим қуйидаги локал норматив ҳужжатлар билан таништирилди...*». Шундан кейин ушбу ҳужжатлар рўйхати келтирилади:

- ички меҳнат тартиби қоидалари;
- меҳнатга тўланадиган ҳақ тўғрисидаги низом;
- шахсий маълумотлар ҳимоя этилиши тўғрисидаги низом;
- тижорат сирини тўғрисидаги низом;
- мансаб йўриқномаси.

Бу рўйхат шуларнинг ўзи билан кифояланмаслиги мумкин ва уни иш берувчининг ўзи белгилайди. Мансаб йўриқномасига кенгроқ тўхталамиз. Меҳнат шартномасида барча мансаб мажбуриятлари муфассал тарзда ёзилмаган бўлсагина мансаб йўриқномаси керак бўлади. Меҳнат шартномасини ортиқча тафсилотлар билан тўлдириб юбормаслик учун бир номдаги оммавий мутахассисликлар бўйича битта мансаб йўриқномаси бўлгани маъқул. Кейинчалик ходим: «Мен бу ишни қилишим шарт эмас», – дейдиган бўлса, унга: «Сиз меҳнат шартномасини имзолашдан олдин мансаб йўриқномаси билан танишиб чиққансиз, марҳамат қилиб зиммангиздаги вазифани бажаринг», – деб йўлга солиш мумкин.

Бундай ҳолларда локал ҳужжатлар билан танишганлик ифодаси сифатида имзо қўйдириш ҳолати муҳим аҳамиятга

6-бетда

## ТўЛАШЛАРИ ШАРТ

### Юридик маслаҳатлар

**2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тўлаш мажбурияти иш берувчилар зиммасига юкланган, уларни иш берувчилар ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар (Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг**


**2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарори 4-банди).**

**Корхона раҳбари вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлашдан бош тортишга ҳақлими ёки ушбу тўлов мажбурий миқдор ҳисобланадими?**

Корхона раҳбари.

– Иш берувчининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаш мажбурияти императив (мажбурий) тусга эга ва иш берувчи уни тўлашдан бош тортишга ҳақли эмас. Меҳнат кодексининг

285-моддаси ҳамда Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>1</sup> (бундан кейин – 1136-сон Низом) 2-параграфи талабларига кўра **иш берувчи**



**вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаши керак.**

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун асос бўлиб белгиланган тартибда берилган касаллик варақаси (меҳнатга қобилиятсизлик варақаси) ҳисобланади. У йўқолган тақдирда нафақа қайтадан берилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (дубликат) асосида берилади (1136-сон Низомнинг 10-банди).

Бироқ 1136-сон Низомнинг

22 ва 23-бандларида назарда тутилган истиснолар мавжуд, уларга **қобилиятсизлик қуйидаги даврларга мос тушганда нафақа тўланмайди:**

- иш ҳақи сақланмайдиган таътил; болани парваришлаш бўйича таътил;
- иш вақтинча тўхтатилганда; иш ҳақи тўланишини тўхтатган ҳолда ходимни ишдан (лавозимдан) четлатиш;
- ҳарбий ўқув ёки текширув йигини;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил.

Кўрсатилган даврларда бошланиб, давом этаётган меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа ходим ишга чиқиши (лавозимга тикланиши) лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Нафақа қуйидаги ҳолларда ҳам **берилмайди:**

ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида ўз соғлиғига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солган тақдирда;

гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек спиртли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида касалликка чалинганда (жароҳатланганда);

жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда;

суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилган тақдирда (бундан руҳий хасталиклар мустасно);

ҳибсда бўлган даврда; суд-тиббий экспертизасидан ўтиш даврида.

**Артём Отставнов, «Норма» МЧЖ эксперт-юристи.**

<sup>1</sup>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

### Реклама

**ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ**

**ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА**

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

5-бетда

эга, унинг қачон кучга киришини ҳам қайд этиб қўйган маъқул. Масалан, бу имзо меҳнат шартномаси кучга кирган пайтдан эътиборан амал қилиши кўрсатиб ўтилади.

Ходимни локал ҳужжатлар билан меҳнат шартномаси имзоланаётган вақтда таништириш ҳоллари ҳам бор. Бу вариантда ҳам локал ҳужжатлар билан таништирилган пайтни меҳнат шартномасида унинг матнига қуйидаги иборани киритган ҳолда мустаҳкамлаб қўйиш тавсия этилади: «Ходим меҳнат шартномаси имзоланаётган пайтда қуйидаги норматив ҳужжатлар билан таништирилди...».

### Тўғри тузилган меҳнат шартномаси

Меҳнат шартномаси асосий ҳужжат бўлиб, меҳнат низолари рўй берган тақдирда ҳар иккала тараф учун ҳам ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларининг далолати ҳисобланади. Иш берувчи барча ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиши шарт. Айрим корхоналар баъзан иккитагина ҳужжат, яъни ходимнинг аризаси-ю, уни ишга қабул қилиш тўғрисида раҳбарият чиқарган буйруқ билан кифояланиб қўя қоладилар. Бу аслида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишдир.

Меҳнат кодекси шартноманинг шаклидан ташқари унинг мазмунига ҳам муайян талаблар қўяди. Масалан, шартномада иш жойи (корхона ёки унинг бўлини маси); ходимнинг меҳнат вазифаси – мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим; ишнинг бошланиш куни; меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати; меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари албатта кўрсатилиши керак (Меҳнат кодекси 73-моддасининг иккинчи қисми). Тарафларнинг истагига кўра шартномада бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Кейинчалик уларни фақат ёзма келишув асосида ўзгартириш мумкин.

Икки нусхада тузилган меҳнат шартномасини ҳар иккала тараф имзолайди. Шартноманинг битта нусхаси корхонада қолади, иккинчиси ходимга берилади. Ходимдан шартноманинг иккинчи (ташкilotда қоладиган) нусхасига имзо чекиб, «Меҳнат шартномасининг иккинчи нусхасини олдим» деб ёзишни сўраш ёки ички ҳужжатларда меҳнат шартномаларини бериш китоби юритишни назарда тутиш лозим.

### Синов муддати

Меҳнат шартномасида синов муддатини кўрсатмаслик иш берувчилар ўртасида анчагина кенг тарқалган ҳатоликлардан бири. Меҳнат фаолиятининг бошланғич даврида ходим зиммасидаги вазифани қай йўсинда уқдалаши муҳимроқ бўлади. Ҳеч қанча фурсат ўтмай, балки бу янги ходим билан хайрлашишга тўғри келиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Ортиқча оворагарчиликларсиз бу ишни амалга оширишнинг яхши йўли уни синовдан ўта олмаган ходим тарзида ишдан бўшатишдир. Бу иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш ҳисобланади ва тегишинча ҳеч ким шартномани бекор қилишни хоҳламайди. Ходим эса иш берувчининг бундай қарори юзасидан судга шикоят беришга ҳақли.

Умуман олганда, ходимнинг синовдан ўта олмаганлигини исботлаш анча мураккаб нарса. Суд ёзма далиллар талаб қилади, шу сабабли бир муҳим қоидага, яъни барча камчилик ва қоидабузарликларни ҳужжатларда қайд этиб бориш қоидага аниқ риоя қилмоқ лозим. Бунда, хусусан, қуйидагилардан фойдаланса бўлади:

- ходимнинг бевосита раҳбари киритган қайд-маълумотномалар;
- синалаётган ходимнинг тушунтириш хатлари;
- синов муддатидан ўтиш картоқчаси.

**Синов муддатидан ўтиш картоқчасини** тўлдиришга кенгроқ тўхталиб ўтамай. У ички ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир ташкilot бундай картоқчани ўзига маъқул тарзда ишлаб чиқиши мумкин. Карточка лавозимга кириш режаси йўсинида намоён бўлади. Синовдан ўтаётган ходимнинг бевосита бошлари янги ходим олдига қўйилган вазифаларни картоқчага ёзиб қўяди, қилинган ишлар ҳақидаги ходим ҳисоботларини картоқчада қайд этиб боради, шунингдек унинг касб малакаси даражасига баҳо беради. Бундай ҳужжат ходим ишдан бўша-

тилган тақдирда судда низолашадиган ҳолларда зўр далил ҳисобланади.

Бундай ҳужжатлар юритишга вақт сарфлайдиган иш берувчилар унча кўп эмас. Ҳолбуки, бу судлашув машамалари чоғида қўл келади, иш судгача боришининг олдини ҳам олади.

### Ўз хоҳиши билан ишдан бўшашнинг ҳам нозик жиҳатлари бор

Ишдан бўшаш борасида энг кенг тарқалган нарса ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш шаклидир. Бундай қараганда, бу ишнинг сира мураккаб тарафи йўқ. Шунга қарамай, ана шундай асос бўйича ҳам низолашувлар тез-тез учраб туради.

**Ишдан бўшатиш тўғрисида огоҳлантириш муддати.** Меҳнат кодекси 99-моддасининг биринчи қисмига биноан ходим ишдан бўшамоқчи эканлиги ҳақида **камида икки ҳафта олдин** огоҳлантириши керак. Ана шу муддатнинг кечиши иш берувчи ходимнинг ишдан бўшаш тўғрисидаги аризасини олганидан кейинги кундан бошланади. Огоҳлантириш муддати фирмага бўша-

бекор қилганидан кейингина, бу иш (лавозим)га бошқа ходимни таклиф қилишга ҳақли (Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солишчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарори 15-бандининг олтинчи хатбошиси).

**Ишдан бўшашга мажбурлаш.** Ходимни ўз хоҳиши билан ишдан бўшашга иш берувчи мажбурлайдиган ҳоллар ҳам оз эмас. Баъзан ишга расмийлаштираётганда барча ходимларга ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш тўғрисида санасини кўрсатмаган ҳолда олдиндан ариза ёздириб оладилар. Бундай ёндашувда ходим ишга тикланишини талаб қилиб судга мурожаат этганда муҳокамага тайёр туриш керак. Қолаверса, шунинг унутмаслик кераки, фирма ходимга мажбурий тартибда «дам олган» вақти учун унинг ололма қолган иш ҳақини ҳам тўлашига тўғри келади (Меҳнат кодексининг 275-моддаси).

### Меҳнат низолари комиссияси

Меҳнат низолари, улар хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, амалда ҳар қандай ташкilotнинг

## МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ: УЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

ётган лавозимга муносиб номзод излаш учун берилган муҳлат эмас, балки ходимга ўз қарорини ўзгартириш ва аризасини қайтариб олиш кафолати тарихидаги вақт сифатида белгиланган. Бунда муддат тарафларнинг келишуви билан қисқартирилиши ҳам мумкин (Меҳнат кодекси 99-моддасининг иккинчи қисми). Кўпгина ходимлар шартномани ўзлари учун қулай кунда бекор қилинишни кескин тарзда талаб қиладилар. Бироқ раҳбар бунга унамасликка ва тарафларнинг умумий фойдасини кўзлаб тинч келишув йўли билан ишдан бўшатиш санаси ҳақида бир тўхтамга келишга ҳақли.

**Меҳнат дафтарчаси берилмаганлиги.** Огоҳлантириш муддати тугаганидан кейин ҳам кўпича ходимни иш берувчи ишдан бўшатамайди ва унга меҳнат дафтарчасини бермайди. Ходим қарзи йўқлиги ҳақидаги варақани топширмаганлиги ҳолати ёки моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи борлиги ёхуд бошқа важ бундай иш тутишга сабаб қилиб кўрсатилади. Кўпгина иш берувчилар бундай нормаларни ички меҳнат тартиби тўғрисидаги ҳужжатда, меҳнат шартномаларида ҳам акс эттирадилар. **Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди**, чунки меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бундай шартлар йўқ. Локал норматив ҳужжатнинг ходим аҳолини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланганига нисбатан ёмонлаштирадиган нормалари қўлланмаслиги лозим (Меҳнат кодексининг 5-моддаси).

**Таътил даврида ишдан бўшатиш.** Ходим вақтинча ишга яроқсизлик даврида ва ҳатто таътил вақтида ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиш ҳуқуқига эга. Бунда ишдан бўшатиш санаси айна шу даврларга тўғри келиши ҳам мумкин. **Иш берувчи ишдан бўшатиш тўғрисидаги илтимосни қаноатлантириши шарт.** Меҳнат кодекси 100-моддасининг учинчи қисмидаги тақиқ иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга татбиқ этилади, холос. Ходимнинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризаси шахсан топширилиши, шунингдек почта ёки факс орқали юборилиши мумкин. Муҳими иш берувчида бундай аризанинг асл нусха эканлигига шубҳа бўлмаса бас.

**Ишда қоладиган бўлди.** Ходим ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини қақриб олиш ҳуқуқига эга (Меҳнат кодекси 99-моддасининг учинчи қисми). Аризани ҳатто барча ҳисобкитоблар қилиниб, меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувлар киритилган иш кунининг охирида қақриб олиш мумкин. Бундай ҳолда иш берувчи ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиши шарт.

Ходимнинг ўрнига бошқаси таклиф этилганлиги унга аризасини қайтариб олишни рад қилишга асос бўлмайди, чунки иш берувчи фақат аввалги ходим ўртасидаги меҳнат шартномасини

иш жараёнида юзга келади. Тўғри, низони ҳамиша суд орқали ҳал этиш мумкин. Бироқ иш шунгача бориб етмасдан туриб муроаса келиш йўлини излаган маъқул. Меҳнат кодексида яқка тартибдаги меҳнат низоларини ҳал этиш учун корхонада махсус комиссия тузиш имконияти назарда тутилган. Мавриди келганда ана шу комиссия қандай тузилиши ва у қай тартибда ишлаши ҳақида сўз юритамиз.

Меҳнат низолари комиссияси (бундан буён *матнда Комиссия деб юритилади*) иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасида тенглик асосида тузилади. Касаба уюшмаси кўмитасида ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан кўрсатилган Комиссия аъзолари тегишли органининг қарори билан, иш берувчининг вакиллари эса унинг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссиянинг миқдор таркиби ва воқалат муддатлари жамоа шартномасида, бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади (Меҳнат кодексининг 262-моддаси).

Меҳнат низолари комиссияси яқка меҳнат низоларини кўради, кўриб чиқишнинг ўзгача тартиби белгиланган меҳнат низолари бундан мустасно:

1) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогуд ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

2) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;

3) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлигига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;


4) улар қуйидаги ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса:

меҳнат муносабатларида камситиш ҳолларида;

иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни – тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб) ишга қабул қилмаслик;

5) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси



кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

Комиссия меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Низо ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Ходимнинг иштирокисиз низони кўриб чиқишга унинг ёзма аризаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Башарти ходим узрсиз сабаб билан Комиссия мажлисига келмаса, мазкур аризани кўриб чиқишни кун тартибидан олиб ташлаш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинади. У далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак. Комиссиянинг пул ундириш талабларига оид қарориди ходимга тегишли сумма аниқ кўрсатилиши лозим. Қарор мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади. У мажбурий кучга эга бўлиб, бирон-бир тарзда тасдиқланмайди.


Комиссия қарорининг нусхаси қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ходимга, иш берувчига ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига топширилади.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак. Башарти иш берувчи белгиланган муддат ичида Комиссия қарорини бажармаса, Меҳнат низолари комиссияси томонидан ходимга ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади.

Агар ходим ёки иш берувчи белгиланган муддат ичида туман (шаҳар) судига меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этса, гувоҳнома **берилмайди**. Меҳнат низолари комиссияси берган ва олинганидан кейин кўпи билан уч ой ичида туман (шаҳар) судига тақдим этилган гувоҳнома асосида суд ижрочиси Меҳнат низолари комиссиясининг қарорини мажбурий тарзда ижро эттиради.

Ходим белгиланган уч ойлик муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган тақдирда, гувоҳномани берган Меҳнат низолари комиссияси ўтказиб юборилган муддатни тиклаши мумкин. Комиссиянинг низони кўриб чиқиши, натижасидан қаноатланмаган иш берувчи ва ходим умумбелгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.



# TOP

ЭНГ ЯХШИСINI ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 40 (273) 2010 йил 12 октябрь



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚҚ Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги  
омбордан сотилади

pr\_8-01-01




Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

Тўлов – исталган  
шаклда

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




## АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



TÜV  
CERT  
EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

### РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

## Chevrolet NIVA

Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури

Товар сертификатланган



H512

CHEVROLET

Расмий дилер: «Sanar» хусусий корхонаси www.sanar.uz  
Манзил: Тошкент ш., Ҳ.Умаров кўч., 22В (мўлжал – Жанубий вокзал, кичик ҳалқа йўли)  
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 5 ва 6 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Яққасарой туманидаги банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами	Юридик манзили
"ARGENTUM" МЧЖ	10-1005/15473(19)	У.Носир кўч., 536
"GAYRAT UMAROV"	10-1021/15424(19)	Чимкент кўч., 7-22
"MAXSUS QURILISH XIZMAT" ШК	10-1021/15425(19)	Ю.Х.Ҳожиб кўч., 75а
"YANTAR TVIST" МЧЖ	10-1021/15428(19)	Яққасарой 1-тор кўч., 7
"Ш-Мерос ЛТД"	10-1021/15427(19)	Ҳаджинова кўч., 61
"YAKKASAROV QURILISH" МЧЖ	10-1021/15426(19)	Аския кўч., 29
"NIXOL MEGA" МЧЖ	10-1020/13740(19)	У.Носир кўч., 68а

Мазкур корхоналар бўйича тугатув бошқарувчиси этиб Яққасарой туман ДСИ ходимлари М.Чутов ва К.Мухаммедов тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яққасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 310-хонада қабул қилинади. Тел.: 250-70-87.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 27 сентябрдаги 10-1020/16308-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги "AVANTE TRADE LYUKS" МЧЖ бўйича банкрот деб топишга оид иш очилган. Мазкур корхона бўйича кредиторларнинг 1-йигилиши 2010 йил 13 октябрь соат 10.00 да Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Муваққат бошқарувчи этиб М.Сармонова тайинланган. Корхона юзасидан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй манзилига билдирилиши мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 27 сентябрдаги 10-1019/16116-сонли ажримига асосан Учтепа туманидаги "МЕНН JALOL FAYZLI" МСНЖ ҳамда 10-1019/16117-сонли ажримига асосан "ОФТОВ-NURI" МСНЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб Б.Бобомуродов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2010 йил 14 октябрь соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1-уй, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада давом этмоқда ва эътирозлар ушбу манзилда қабул қилинади. Тел.: 274-28-70, 275-95-10.

Банкротлик иши Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси М.К.Астанов томонидан 2010 йил 25 октябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди биносининг 1-қаватидаги 1-сонли суд залида кўрилади.



ART MEBEL GROUP

Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда  
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собиқ МУМ) – 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция  
(мўлжал – "Фунча" кинотеатри, "Тинчлик" м.б.)

057-10

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz



Тўлов – исталган шаклда  
Товар сертификатланган

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

## ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

## НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги  
дренаж учун ГНОМ туридаги  
К туридаги, Консоль  
«КАСКАД» КЎЗ  
БК туридаги, Вихрли  
ЦМК туридаги фекаль  
«Андижанец» насоси

189-10

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

### РЎЙХАТЛАР

\*Тошкент шаҳар Сергели туманидаги белгиланган муддатда ҳисобрақамини очмаган ва ўз фаолиятини юритмаганлиги сабабли тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатдан ўтган рақами ва санаси	Рўйхатдан ўтган санаси
"XAYRIBAXT SERVIS"	301098580	001976-06	13.03.09
"MUXAMMADAYUB BIZNES SERVIS"	301187218	002058-06	15.05.09
"NADEJDA-FORTUNA BIZNES"	301187390	002063-06	15.05.09
"KAMOL-QANDOLAT"	301230512	002099-06	19.06.09
"AZIZBEK-AKMAL TAOM SERVIS"	301266965	002132-06	20.07.09
"SUPER MAXIMUM GRADE"	301312077	002194-06	09.09.09
"ALIJON MED"	301388781	002321-06	30.11.09
"EKLIPSE ZONE"	301499422	002473-06	15.02.10
"ASH-SHOKUR NICE"	301603925	002594-06	06.05.10
"STAR FAST FOOD"	300531620	001378-06	02.08.07
"ASL RAMZ BIZNES"	300968345	001816	22.10.08
"MEDIA GROUP SERVIS"	301017024	001875-06	26.12.08
"SHAXNOZA DILFUZA TRADE"	301114014	001997-06	26.03.09
"ZAFAR QURILISH BIZNES"	301170209	002042-06	04.05.09
"MONI-BARAKA-TRANS"	301187486	002066-06	15.05.09
"KOMMUNAL SPUNIK QURILISH"	301194479	002069-06	21.05.09
"ZIRABULOQ SAVDO SERVIS"	301249108	002111-06	02.07.09
"MEDICALPROFESSIONAL COSMETOLOGY"	301278809	002164-06	31.07.09
"LIBRA PROM STROY"	301291983	002164-06	14.08.09
"ZIYO-SHAMS FARM"	301297555	002177-06	21.08.09
"YUKSALISH SERVIS PLYUS"	301318187	002206-06	15.09.09
"TASHABBUSKOR TRANS"	301335641	002234-06	05.10.09
"IL'SANAT PLYUS"	301345914	002250-06	15.10.09
"REAL ARANTA STROY"	301359517	002270-06	29.10.09
"NADEJDA NIKOLAY"	301361397	002272-06	02.11.09
"SERGELI TEX SERVIS"	301364274	002279-06	04.11.09
"TATA MAX"	301372107	002298-06	12.11.09
"BILLUR TEXTIL SAVDO"	301380287	002314-06	20.11.09
"FORMULA STAR KLASSIK"	301385794	002318-06	26.11.09
"MOBILE STAR FORMULA"	301385802	002319-06	26.11.09
"CULCHEHRA-GULNOZA TRADING"	301388853	002323-06	30.11.09
"RAVON TRANS UNIVERSAL"	301388892	002324-06	30.11.09
"MINI-MAX BAGS"	301395956	002329-06	09.12.09
"MANGU BUNYODKOR"	301408494	002340-06	18.12.09
"WIDESCREEN"	301408534	002344-06	18.12.09
"SHELDORAVTOMATIKA"			
MCHJ	207014382	2489	03.07.09
"NURMAT BIZNES" MCHJ	300010232	000990-06	25.09.06
"DORSERVIS" XK	300708200	001551-06	05.02.08
"YAXYO GROUP"	301481897	002451-06	04.02.10
"KTEMX TRANS"	301499304	002468-06	15.02.10
"ISLOMBEK NICE"	301609164	002597-06	12.05.10
"HI-TECH MOBILE"	301615371	002605-06	19.05.10
"YASHIL ASADULLAX"	301548424	002515-06	19.03.10

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари бекор қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 2 сентябрдаги 10-1019/14725-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чилонзор туманидаги "YUKSALISH SERVIS PLYUS" МЧЖ банкрот деб эълон қилинди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддат давомида ўз муносабатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24. Ушбу корхонанинг думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари бекор қилинди.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 2 сентябрдаги 10-1019/14724-сонли ажримига асосан Учтепа туманидаги "SIMFONI TEMASEK" МСНЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб Б.Саидов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2010 йил 14 октябрь соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1-уй, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада давом этмоқда ва эътирозлар ушбу манзилда қабул қилинади. Тел.: 274-28-70, 275-95-10.

**“Аудит-ВАРН” МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН  
ХУДУДИДА, БХМС ВА МХС  
БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ  
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ  
ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,  
уяли: +998971192248  
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42  
Тошкент вил., тел.: +998974541664

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,  
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.**“AMIR-AUDIT” МЧЖ**

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталлимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортқ  
САР сертификатига эга  
аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

## РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 28 сентябрдаги қарорларига асосан  
Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Юридик манзили	Қарор рақами
“ULTRA BUSINESS GROUP” МЧЖ	207002184	Р.Хожимуротов	Охунбобоев ж/х, Охунбобоев кўч., 5	10-1014/15638
“AVANGARD-SIFAT” МЧЖ	301256344	Т.Нормуротов	Широқ-100	10-1014/15640
“BIZNES SARDOR SERVIS” ХК	301096196	З.Ибрагимов	Зарқайнар, т-2, 7	10-1014/15624
“ZOTI SHAYX KINO” ХК	207028293	Ў.Ходжаев	Беруний майдони, 1-89	10-1014/15628
“BESH YULDUZ-BARAKA” МЧЖ	205508314	Н.Набиходжаева	Термиз кўч., 44/45	10-1014/15626
“LOVELY TUR” МЧЖ	301368553	У.Ахматжонов	Ленточная, Ҳаракат тор кўч., 47	10-1014/15659
“UNIQUE GROUP” МЧЖ	301402788	Б.Шомансуров	Кўш Тут кўч., 9а	10-1014/15667
“NAZIR BARAKA SAVDO” ХК	301155375	Н.Солихов	Уста Олим кўч., 18	10-1014/15622
“SARBON-TAYYORLOV” ХК	300487873	А.Хотамов	Бобоҷонов-14	10-1014/15631
“NIHOL JO'JALARI-QANOTLARI” МЧЖ	300394032	Ж.Убайдуллаев	Ибн Сино-2, 17-96/97	10-1014/15656
“ASTRA KAPITAL INVEST” МЧЖ	301420884	Х.Зоҳидов	Шифокорлар кўч., 1	10-1014/15642
“GAS PLAN SERVICE” МЧЖ	207048031	Т.Сарабоев	Лангар-157	10-1014/15647
“TEX FTOR PLASTMASS” ХК	300731926	Б.Мешков	А.Шоший тор кўч., т-5, 8а	10-1014/15654
“CARAT PLUS CP” МЧЖ	207014192	Д.Мирпўлатов	Тошмухамедов кўч., 33	10-1014/15645
“SHARQ ILXOMI” МЧЖ	206726146	Ш.Бакаев	Миробод т., Госпитальная кўч., 12-19/20	10-1014/15643
“MADINA-BEGIM” ХК	203732584	Н.Усмонова	А.Хидоят, 36-4	10-1014/15632
“VESTA STAR BUILDING” МЧЖ	301250338	К.Осипян	Қорақамиш 2/1, 36-17	10-1014/15649
“MIRKOM UDEK” МЧЖ	301053756	Зирз Мурат	Беруний кўч., 83	10-1014/15633
“TOPCLASS LIDER” МЧЖ	301003524	О.Тўраев	Сариосиё т., Токчиен ж/х, Фозилқудди маҳалласи	10-1014/15652
“SHINA EVRO TA'MIR” ХК	300319044	Р.Раҳимов	Уста Ширин кўч., 125	10-1014/15635
“UNION STAR PLUS” МЧЖ	300984588	А.Махмудов	Университет кўч., 1	10-1014/15630
“ELITE INTELLECT (SARISHTALIK BEKA)” ХК	205735999	М.Гафарова	Шифокорлар шаҳарчаси, 17-10	10-1014/15636

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

\*\*\*

**“Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 24 сентябрдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
“ZIYODA TUN PLUS” МЧЖ	10-1019/15270-т
“AKXA YO'L QURILISH” МЧЖ	10-1019/15271-т
“PANTOS CAR LYUKS” МЧЖ	10-1019/15272-т
“BEST FURNITURE” МЧЖ	10-1019/15273-т
“KARAVELLA KAPITAL SERVIS” МЧЖ	10-1019/15274-т
“MIRZIYATOV UBAYDULLA” МЧЖ	10-1019/15275-т
“NAS-SAN ELEKTRONIK” МЧЖ	10-1019/15276-т
“LUVAS-I AK ALFA” МЧЖ	10-1019/15277-т
“AL XILOL QURILISH” ШК	10-1019/15278-т
“GLAMUR PLATINUM” МЧЖ	10-1019/15279-т
“BRUNO” МЧЖ	10-1019/15280-т
“FENIKS GROUP HOLDING” МЧЖ	10-1019/15281-т
“BARAKA ALOQA SERVIS” МЧЖ	10-1019/15282-т
“DEKOR DIZAYN SERVIS” МЧЖ	10-1019/15283-т
“MEI GUL” МЧЖ	10-1019/15284-т
“ALINA LEYSAN K” МЧЖ	10-1019/15285-т
“DUNYOSAVDO-OPTIMA” МЧЖ	10-1019/15286-т
“NIL VA DIL BARAKA” МЧЖ	10-1019/15287-т
“HAYDVARO AND BUILDING” МЧЖ	10-1019/15288-т
“BIRDAMLIK PLYUS” ХК	10-1019/15289-т
“UMIDRIEST” МЧЖ	10-1019/15290-т
“PRIMA TEX” МЧЖ	10-1019/15291-т
“KEY FACTOR” МЧЖ	10-1019/15292-т

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

\*\*\*

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 28 сентябрдаги 10-1021/16543(19)-сонли ажримига асосан Учтепа туманидаги “Nurbekho invest” МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб Б.Бобомуродов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2010 йил 15 октябрь соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1-уй, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада давом этмоқда ва эътирозлар ушбу манзилда қабул қилинади.

Тел.: 274-28-70, 275-95-10.  
Банкротлик иши Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьяси Х.Жалилов томонидан 2010 йил 19 октябрь куни соат 10.30 да Учтепа туман ДСИ биносида кўрилади.

\*\*\*

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 4 октябрдаги 11-1006/21068-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чирчиқ шаҳридаги “KONS OPTIUM” МЧЖ (СТИР 205778914; юридик манзили: Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., Ш.Рашидов кўчаси, 33-уй) банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш жараёни жорий қилинди. Тугатиш бошқарувчи этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими Б.Раимов (индекс 111700, тел. 150-49-43) тайинланган. Кредиторлар талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан Чирчиқ шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 128а-уй, Тошкент вилояти ҳўжалик суди биносида эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Ушбу корхонанинг бурчак штамп ва думалоқ муҳри олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.

Тахририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

“Норма маслаҳатчи” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Норма” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс - 186 Буюртма 764 Алали 4235. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2010 йил 8 октябрда соат 16.00 да топширилади.  
ISSN 2010-5223

## ЭЪЛОНЛАР

## ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Шартномаларни визалаш, ҳўжалик судида манфаатларни ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича адвокат, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш\*.  
Тел. 449-03-03.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр\*.  
Тел. 448-74-69.

«ADVOKAT ELITE». Судларда вакилик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*.  
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Ҳўжалик, жиноят ишлари. Адвокатлик фирмаси\*.  
Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33.

## ЭЪЛОНЛАР

## БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Бухгалтерия хизматлари. Ҳисобот. Тўлов - пул ўтказиш йўли билан.  
Тел. 104-96-23.

## ХИЗМАТЛАР

Ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва тузатиш.  
Тел.: 102-72-98, 244-58-12.

Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш.  
Тел. (+99897) 340-45-08.

Компьютерларни тузатиш, картрижларни тўлдириш.  
Тел. (+99890) 321-15-99.

Видео-, фотосуратга олиш\*.  
Тел. (+99897) 709-20-17.

\*Хизматлар лицензияланган.

**“Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қарорларига асосан Сергели туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами	Санаси
“ABROR VA RASUL” МЧЖ	10-1014/13791	03.09.10
“XOKISOR INVEST” МЧЖ	10-1014/13792	03.09.10
“SHERLEN IMAGINE” МЧЖ	10-1014/13796	03.09.10
“GULLOLA FARM” ХК	10-1014/13795	03.09.10
“SHAHZODA-SHERZOD” ХК	10-1014/13805	03.09.10
“SATURN PROGRESS” ХК	10-1014/13803	03.09.10
“ATLANTIS NET” МЧЖ	10-1014/13802	03.09.10
“MEGA PRIME SERVIS” МЧЖ	10-1014/13801	03.09.10
“TALION GROUP” МЧЖ	10-1014/13800	03.09.10
“PIZZA PEPPERONI” МЧЖ	10-1014/13798	03.09.10
“MUHAMMAD UMAR BARAKA” ХК	10-1014/13797	03.09.10
“JIME AVTO SERVIS” ХК	10-1014/13790	03.09.10
“MIRFAYOZ” КООП	10-1014/13794	03.09.10
“DENI-RUS HISOB” МЧЖ	10-1014/13793	03.09.10
“SHVAR BUNYOD BIZNES” МЧЖ	10-1014/13799	03.09.10
“SHOXRUXBEK NARGIZA” МЧЖ	10-1014/13804	03.09.10
“TSHD PLUS BIZNES” ХК	10-1014/13809	03.09.10
“SHOHIL FARKAM TRADE” МЧЖ	10-1014/13806	03.09.10
“RUSPAN-KOM” ХК	10-1014/13807	03.09.10
“ZAYNAV BAXROM” МЧЖ	10-1014/13808	03.09.10
“SERGELI SPORT” ШК	10-1014/13811	03.09.10
“ZIYOMIDDIN BIZNES” ХК	10-1014/13812	03.09.10
“DILMA GROUP” ХК	10-1014/13813	03.09.10
“A'GZAM ZAMIRA SAVDO” МЧЖ	10-1014/13814	03.09.10
“DIDI NET” ХК	10-1014/13810	03.09.10
“ISKANDAR ZIZO” ХК	10-1008/14609	17.09.10
“MODUL QURILISH SAVDO” МЧЖ	10-1008/14618	17.09.10
“MO'TABAR NUR SERVIS” ХК	10-1008/14615	17.09.10
“AX-MIRZOKIR” МЧЖ	10-1008/14612	17.09.10
“JONON-MAGID-SERVIS” ХК	10-1008/14616	17.09.10
“STAR GENIUS” ХК	10-1016/7844	01.06.10
“FERAGRO” МЧЖ	10-1016/3855	06.04.10
“AGARA BIZNES” XF	10-1021/15198(21)	24.09.10
“SHAXODAT BLESS” ХК	10-1021/15200(21)	24.09.10
“IXLOS” МЧЖ	10-1021/15199(21)	24.09.10
“BUILDING TELEPLUS SERVIS” МЧЖ	10-1021/15191(21)	24.09.10
“AK AZIZBEK” XF	10-1021/15192(21)	24.09.10
“YASTUR SAVDO” XF	10-1021/15193(21)	24.09.10
“ZIYODA-ZAXRO” ХК	10-1021/15194(21)	24.09.10
“KAMELOT DON” ХК	10-1021/15195(21)	24.09.10
“SEVINCH SHOH ABBOS” XF	10-1021/15196(21)	24.09.10
“SKAB” XF	10-1021/15201(21)	24.09.10
“SATELLITE SERVIS” МЧЖ	10-1021/15197(21)	24.09.10

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари бекор қилинади.

**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ХУКУКБОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.